



## МСБ БОШЛАНМАСИННИГ ЎЗИГА ХОС БЕЛГИЛАРИ ВА УНИНГ МАТНДА БОҒЛОВЧИЛИК РОЛИ

Аманов Абдижаббор Саттарович

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Ph.D),

Наманган давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7103306>

### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> September 2022

Accepted: 18<sup>TH</sup> September 2022

Online: 22<sup>nd</sup> September 2022

### KEY WORDS

матн, микроматн, гап, матн синтаксиси, сўз шакли, боғланган нутқ, матнни шакллантириш.

### ABSTRACT

Мақолада мураккаб синтактик бутунлик адабий матнларнинг лингвистик бириқиши соҳаси ва уни ташкил этувчи хусусиятлари кўриб чиқилади. Шунингдек, мақола лингвистик ва услубий бирлик сифатида мураккаб синтактик бутунликка бағишиланган. Лингвистик жиҳатдан микроматннинг тузилиши, семантикаси ва вазифаси таҳлил қилинса, услубий жиҳатдан мураккаб синтактик бутунлик изчил ўзбек нутқини ривожлантириш бирлиги сифатида кўриб чиқилади.

Мураккаб синтактик бутунлик нутқнинг структур-семантик жиҳатдан катта бирликларидан бири сифатида ўзининг композицион тузилишига эга. Мураккаб синтактик бутунлик таркибида кирувчи гапларнинг барчаси ўзига хос хусусиятга эгадир. Уларнинг ичидаги биринчи гап, айниқса, ўзининг мазмунан бошқа гаплардан анча мустақил экани билан ажralиб туради. Айрим тадқиқотчилар ушбу гапни “бошланма”(зачин) деб аташади. Бошланмада, одатда, фикрнинг бошланиш моментини шакллантириш учун маҳсус синтактик воситалар қўлланилади. Бошқа гапларнинг таркиби ва мазмуни, кўпинча, синтактик жиҳатдан бошланмага боғлиқ ҳолда шакллантирилади. Бошланма кўп ўринларда мураккаб синтактик бутунликни шакллантирувчи синтактик марказ вазифасини ўтайди.

МСБнинг бошланмасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ҳар қандай нутқда фикрнинг бошланиши, уни синтактик воситалар билан ифодалаш мухим аҳамиятга эга.

Таҳлил ва натижалар

МСБнинг бошланмасида аввалги МСБларда берилмаган янги фикр, хабар бошланади, бошланма ремани – “янги” ни ўз ичига олади. Биринчи гап ёки “бошланма” янги фикрни ифодалаш орқали МСБни бошлайди, унинг ривожланишини белгилайди, бундан кейинги фикр баёнига йўл очади. Шунинг учун, одатда, ижодкорлар асарнинг бошланмасига катта эътибор билан қарайдилар. Бу бежиз эмас, албаттада.

Масалан: Наврўз куни Ҳамидабону қўш карнай ва қўш сурнайлар товушидан уйғонди. Байрам либосларини кийиб, Хонзода бегим инъом этган чавкар отни мингандан ҳолда Гулбадан бегим ва яна уч-



тўртта олийнасаб қиз-жувонлар билан шаҳар марказига қараб бораётганда Низомни эслади. Уни қийнамаслик учун бир баҳона топиб кема сайрига чиқмай қўя қолсамикин? Бироқ бутун Агра аҳолиси ва бошқа вилоятлардан келган юзлаб одамлар шаҳар марказидан ўтаётган Ҳумоюн мирзо ва унинг мавқабини яқинроқдан томоша қилишга интилмоқда эди. Мавқабдан олдинда дарра кўтарган қўриқчилар йўл очиб боради. Улар билан кетма-кет ноғорачи ва карнайчилар келяпти[1:29]. Кўпинча бошланма мураккаб синтактик бутунлик ёки бўлакларнинг қисқача мазмунини ўз ичига олади. Бошланма мураккаб синтактик бутунликнинг ташкил этувчи маркази бўлиб, кўп жиҳатдан унинг тузилишини белгилайди ва шу билан бирга ўзи ҳам ушбу тузилмага боғлиқ бўлади.

Бироқ фил устида бораётган Ҳумоюннинг хаёли бутунлай бошқа нарсалар билан банд. У Ҳамидалар томонга юзланганда ҳам қизнинг боши оша узоқларга назар ташлайди. Нега бу йил наврўз сайлига одам бултургидан икки-уч баробар кам чиққан? Бултурги наврўзда бутун шаҳар ва унинг атрофлари ясан-тусан халойиқقا тўлиб кетган эмасмиди? Наврўз кунларида бозор расталарини, кўча ва майдонларни ранг-баранг ипак матолар, гулшодалар билан безатиш одати «ойин банди» деб аталарди. Аграда бу одатни Ҳумоюн маҳсус фармон билан жорий қилган эди. Ҳумоюн мамлакатнинг шарқида ва ғарбida катта ғалабаларга эришган пайтларда унинг ҳар бир фармонини сўзсиз бажарувчилар кўп эди[1:32].

Н.Д. Зарубинанинг сўзларига кўра, “суперфразавий бирликнинг

бошланмаси ҳар доим мустақил бўлиб, мустаҳкам асосга эга. Мустаҳкам асос атамаси Й.Мистрик тушунчаси бўйича айтилганда, биринчи гапда эга вазифасида отнинг қўлланишидир [2]. Бундай гаплар мустақил эканлиги ва матннинг бошқа гапларига мазмунан тобе бўлмаслиги билан ажralиб туради. Уларда контекстга боғлиқлик кўрсаткичлари бўлмаслиги керак”[3:106]. Аммо Л.Лосева[4:61] мураккаб синтактик бутунлик бошланмасининг қуидаги хусусиятларини аниқ белгилаб беради:

- Мураккаб синтактик бутунлик бошланмаларида мазмуни матннинг олдинги қисмидан аниқланадиган сўзлар йўқ (олдинги мураккаб синтактик бутунлик таркибидаги от, сифат, равиш, сон ва феълларга ишора қилвчи олмошлар ва олмош ўрнида қўлланувчи сўзлар).
- МСБнинг бошланмалари, одатда, ҳар қандай тузилишга эга бўлган матн турида тўлиқ шакллантирилган гаплардир.
- МСБнинг бошланмаси олдинги мураккаб синтактик бутунликнинг охирги гапига камроқ боғлиқдир.
- Мазмун моҳиятига кўра мураккаб синтактик бутунликнинг бошланмаси маъно жиҳатидан янги микромавзуни бошловчиси ҳисобланади.

Мураккаб синтактик бутунликнинг бошланмаси ҳақида юқорида айтилганларнинг барчаси бошланмалар синтактик (матнда янги синтактик бирликни бошлаш) ва семантиклистикик (мураккаб синтактик бутунликнинг асосий ғоясини ифода этиш) функцияларини бажаради деган холосага олиб келади.



Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, асосий гаплар ва изоҳлар ёки баҳсли қисмлар аниқ ажralиб турмайдиган мураккаб синтактик бутунликлар ҳам мавжуд.

Мураккаб синтактик бутунликнинг бошланмалари, кўпинча, абзацдан бошланади, айни пайтда улар МСБнинг таркибий ва мазманий марказидир. Баъзи ҳолларда, мураккаб синтактик бутунлиқда асосий фикр дарҳол, матннинг бошида етказилади ва шундан кейингина изоҳли маълумотлар берилади, бошқаларида фактлар, далиллар биринчи бўлиб келади ва шундан кейин асосий фикр шаклланади. Баъзи мисолларни қўриб чиқайлик.

Темир жиддий бола, кам гапиради. У ўнинчи синфнинг аълочиси, Онабибини ўз синглисидеек доим ҳимоясида олиб юради. У ақлли, бўй-басти келишган, кўркам йигитча. Ёғ заводи директорининг ўғли, сал файласуфроқ. Ориф aka қизи билан унинг дўстлигини яширин бир меҳр билан кузатиб юради [5:59].

Бешта гапдан иборат бу тавсифий мураккаб синтактик бутунлик аниқ параллел тузилишга эга. У умумий тавсиф билан очилиб, тузилиши параллел бўлган бешта гапдан иборат. Асосан ўтган замон хабар майлидаги феъл-кесимларга эга. Учинчи ва тўртинчи гаплар от-кесимили бўлса-да, мураккаб синтактик бутунликнинг ва бошланманинг синтактик тузилишига таъсир қилмайди. Ушбу бешта гапларнинг барчаси мазмун жиҳатдан бирлаштирилган (микромавзуни шундай белгилаш мумкин: Темир жиддий бола), мураккаб синтактик бутунлик миқёсида таққосланадиган объектлар бир хил, мантиқан тақазо

этадиган камгап, аълочи, бўй-басти келишган, кўркам, сал файласуфроқ каби бирликлар мавжуд.

МСБнинг бошланмаси (бошланмаси) сифатида турли хил гаплар қўлланиши мумкин. Куйида улардан бир нечаси билан танишамиз:

Биз қўчиб келган ҳовли катта эди. Қатор қилиб солинган икки уй, бир айвон. Этак томонда бостирма, молхона. Ҳовли сатҳи кенг бўлгани билан кафтдек бўш жой йўқ. Ярмисига пиёз сепилган, ярми қулупнайзор. Ундан нарида гултоҷихўролар очилиб ётибди. Нок, голос, беҳи дараҳтлари тартиб билан екилган[6:54].

Чилдирма мақомига йўрғалаб, кифт қоқиб, столларни оралаб юрган тўрт қиз бирин-кетин келин билан куёвнинг рўпарасига келиб, қўлларидаги гулдасталарни таъзим билан икковига тутишди, ер тепиниб яна столларни оралаб йўрғалаб кетишди. Ора-сирада бирор шеър ўқиб, бирор сўз билан, бирор қизиқчилик қилиб келин билан куёвни табриклар эди[7:67].

Башор опа – шаддод хотин. Унча-мунча эркакни бир чўқиша қочиради. Нўғайқўрғонда биринчи бўлиб трактор ҳайдаган аёл ҳам, Йўлдош отанинг қўлидан мақтov қофоз олган ҳам шу[6:177].

Саратон қаҳрига минди. Қуёш шафқатсиз қиздиради. Кушлар очлик азобидан нажот излаб, ўзини буғдойзорга уради. Каттадан-кичик ҳамма далада. Оқсоқолнинг ўзи ҳам терлаб-пишиб буғдой ўради[7:414].

Масъуд кўчага чиққач, ҳанг-манг бўлиб қолди, йўлакнинг четида Заҳро туради. Қадди-қоматига мос кийинган, оёғида баланд пошнали туфли, истараси иссиқ, чеҳрасида уятчан табассум...



Масъуднинг юраги бўшашиб, юзи ловлов ёна бошлади...[8:77].

Мисоллардан кўрдикки, бошланмаларнинг синтактик тузилиши турлича. Аммо ўзбек бадий матнларини кузатишимиз қуидагида хулосалар чиқаришга имкон беради: янги фикр бошланишининг, бир фикрдан иккинчисига ўтишнинг аниқ, тақрорланадиган шакллари, синтактик усуллари мавжуд. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўплаб бошланмаларнинг синтактик тузилишида бир хиллик кўзга ташланади.

Шундай қилиб, ўзбек адабий матнларида мураккаб синтактик бутунликда бир қисмли номинатив гаплар бошланма вазифасини бажариши мумкин. Кўпинча номинатив гаплар “занжир” ли боғланишда ишлатилади, ўзига хос “экспозиция” ни яратади. Бошланма оддий бўлмаган гаплар бўлиши мумкин. Ушбу турдаги қурилмалар атроф-муҳит ҳолатига хос бўлмаган феълларни ўз ичига олади. Кўпинча, бундай гаплар замон ёки макон тасвири, таъриф ёки изоҳдан бошланиб, умумлаштирувчи маънога эга бўлган икки қисмли гаплардир.

Тапир-тупур от чопаётганлар – бўй етган хушрўй қизлар[1:11].

Шу орада Султоним бегим ҳам толорга чиқиб келди [1:15].

Хумоюн кўшқдаги ишларини тугатгач, бек-у аъёнлар билан бирга боғга чиқди [1:57].

Тушга яқин ёмғир тинди-ю, булутлар орасидан кўм-кўк осмон ва иссиқ ёз офтоби кўринди[1:74].

Ним қоронғи, захкаш ҳужрада “улфати чор”нинг суҳбати узилмас эди [9:7].

Улар пешин намозини ўқиб бўлиб мадрасадан чиқишиди [9:17].

Навоий Ҳиротга кирши билан унинг маҳсус фармон олиб келганлиги бутун шаҳарга яшиндек тарқалди [9:101].

Поябзал бозори ва унинг бурчагидаги ҳавли...[10:28]

Бу кунларда Марғилонда шундай хабар чиқиб қолди [10:34].

Отабек ота-она орзусиға ўз таъбирича жонсиз ҳайкал бўлиб ризолиқ берди[10:137].

Тақдим этилган мисоллар шуни кўрсатадики, “тавсифловчи” гаплар асарнинг бошида, бобларда ва бошқаларда бошланма сифатида кўлланиши мумкин. Бундай бошланмалар замонга ишора қилувчи атов гаплардан иборат бўлиши мумкин: фаслларнинг номлари: ёз, куз, қиш, баҳор; ой номлари: январь, февраль ва бошқалар.

Хулоса

Бизнинг намуналаримизда қайд этилган бошланма турлари орасида энг кенг тарқалгани асар мавзусини очиб берувчи бошланмалардир. Бундай гаплар шахс ёки предметнинг муайян бир жойда, маконда ва ҳоказо эканлиги ҳақида хабар беради. Кўпинча, умумлаштирувчи маънога эга бўлган содда гаплардан фойдаланилади. Ўзбек ёзувчиларининг биз ўрганган бадий матнларида биринчи гапларнинг аксарияти асар мавзусини очиб берувчи бошланмалардир.

## References:

1. Қодиров П. Авлодлар давони (Тарихий роман).– Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2018.



2. Мистрик Й. Математико-синтаксические методы в стилистике. ВЯ, 1967. № 3.
3. Зарубина Н.Д. К вопросу о лингвистических единицах текста. Синтаксис текста. – М., 1979. –С.106
4. Лосева Л.М. Как строится текст. – М., 1989. –С.61.
5. Асқад Мухтор. Чинор.– Тошкент: Илм-зиё-заковат, 2020. –Б. 59.
6. Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси.– Тошкент: Шарқ, 2012. –Б. 54.
7. Абдулла Қахҳор. Анор.–Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2014. –Б. 67.
8. Назаров У. Чаён йили.– Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2013. –Б. 77.
9. Ойбек. Навоий. роман.– Тошкент: Шарқ, 2004.
10. А.Қодирий. “Ўткан кунлар ”– Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.